



КУЗГИ ДАЛА ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК, ШУДГОРЛАШНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ УТКАЗАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 228 (4687).

18
НОВАБРЬ

ШАНБА

1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОРЛАР МЕХНАТИНИНГ ҚУВОНЧЛИ НАТИЖАСИ

С. А. АСОМОВ,
меҳнаткашлар депутатлари
Тошкент область ижроия
комитетининг раиси.

Областимизда пахтадан ишлаб қўрилмаган улкан хирмон уйиш истаги, ҳаракати ҳар бир кишининг дилида жўш урди. Ой-Батанга бўлган муҳаббат, пахтакорлик касбини шарафлаш йўлида қилинган меҳнат туфайли биз давлат оморларига 400 минг тонадан зиёд пахта етказиб бердик. Бунга КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш йўлида қилинаётган фидокорона меҳнатимиз туфайли эришдик. Деҳқонларимиз КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг ота-ларча ғамхўрлигини ҳамма вақт сезиб, ҳис қилиб турдилар. Уларнинг бизга кўрсатган ғамхўрликларини ғайрат ва шижоатининг янада ошириб юбордик.

Пойтахт область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, партия, совет, комсомол, касабасоюз ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллик олтин тўйини муносиб меҳнат соғалари билан нишонлаш мақсадида эрта қўнмадан эр фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Илгир-терим ишлари пухта тайёргарлик қўриган ҳолда эр ушқоқлик билан ўтказилдики, бу ҳозир кунда қувончли натижа билан якунига эришди.

Илгир-теримнинг дастлабки кунларида Тошкентда, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев иштирокида ўтказилган пахтакор республикалар партия-хўжалик активини йиғилиши қарори областимиз меҳнаткашларини янада эр ғайрат билан ишлашга йўлдошларини буюрдик. Қолхозларда ва совхозларда, участка ва бригадаларда социалистик мусобақа кучайиб кетди, ҳамма жойда олтинга социалистик мажбуриятни бажариш учун эр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишди. Оққўрғон районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз меҳнаткорларининг машиналардан умумий фойдаланиш ва юбилейга муносиб соғва тайёрлаш соҳасида бошлаган ташаббуслари областимиз меҳнаткорларини янгида-янги зафарларга эришишга қорлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати пойтахт области меҳнаткашларига ҳамнаша, ҳар жиҳатдан катта ёрдам бериб келмоқдалар. Биз мукаммал қишлоқ хўжалик машиналари, аjoyиб пахта терим техникаси билан етарли таъминланганимиз. Давлатдан қўнма минерал ўғит олиб турибмиз.

Областдаги қолхоз ва совхозларда ўз касбини яхши аталган, билимдон, юқори маълумотли мутахассислар ишлаб турибдилар. Улар агротехника фани ютуқлари ва илгорлар тажрибасини кенг пропанда қилишда, бу тажрибаларни амалга оширишда маҳорат билан ишламоқдалар.

Маълумки, деҳқончиликда йил ҳар доим бир хил келмайди, шунинг учун ҳам бир хил тадбирларни амалга ошириш кўнмадангина давом бермайди. Деҳқонларимиз пахтачиликда бирхиллик йўқ, ҳар йил шариқта қараб ҳаракат қилиш керак, курашиш зарур, буларнинг иш бу йилга тўғри келмайди, деб жуда тўғри мулоҳаза юртидилар. Шу жиҳатдан олиб қараганда 1972 йил деҳқончиликда қатор агротехниканинг прогрессив усулларини амалга ошириш йили бўлди. Биз шу йил 48 минг гектар ерга чипитини кенг қаторлаб эдик, 73 минг гектар ерга гербицидлар солинди.

Юқори ҳосилли ва яилга чидамли «Тошкент» нави пактас 50 минг гектар ерга кенгайтирилди. Биз асосий эътиборни алмашиб экин ишларини изчиллик билан амалга оширишга қаратдик. Область партия, совет, комсомол, касабасоюз ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари пахтакорлар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш билан бирга қолхозларни, совхоз ишчилари ўртасида моддий манфаатдорлигини оширишга, меҳнатни тўғри ташкил этишга алоҳида эътибор бердилар. Меҳнаткорлар ва пахтакорлар меҳнатига ҳақ тўлаш, улар ўртасидаги социалистик мусобақа якунлари даврида меҳнатга яраша рағбатлантириш асосий эътиборда бўлди.

Ана шулар натижасида илгир-терим кунларида меҳнат ушқоқлиги ишлаб қўрилган даражада ошириди. Меҳнат-ҳайдовчилар, теримчилар, умуман далада ишлаётган қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз қолхоз ва совхозларида илгир-терим ишларини қисқа муддатда ўтказиш, йиллик планларини тез ва муваффақиятли бажариш учун астойдил меҳнат қилдилар. Натижада беш қолхоз, икки

совхоз пахта тайёрлаш юзасидан халқ хўжалик планларини 18—20 иш кунда бажардиларки, бу жуда қувончли воқеадир.

Машиналардан юқори унум билан фойдаланиш Бутуниттифок мусобақасини бошлаб берган «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз коллективининг муваффақияти таъдирга сазовордир. Бу совхозда илгир-теримнинг қизгин кунларида 10—12 процент миқдорда пахта тайёрланди ва йиллик план 13 иш кунда бажарилди. Шунингдек, Оққўрғон районидagi «Москва», Х. Олимжон номи, Куйбишев номи, Свердлов номи, «Ленинобод», Бекобод районидagi «Победа» қолхозлари, «Ленинград» совхоз, Бўна районидagi «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм», Жамбул номи, Юқори Чирчиқ районидagi «Свердлов номи», «Ленински кут», «Политотдел», Пискент районидagi «Калинин номи», Тельман номи, Урта Чирчиқ районидagi Терешкова номи, Охунбобоев номи, «Иолория звезда», «Партия XXII съезди» қолхозлари, ТИИМСХнинг ўз-ўзариб хўжалиги, Илгир районидagi «Коммунизм», «Ленинизм», Охунбобоев номи қолхозларининг пахтакорлар илгир-теримини эр ушқоқлик, меҳнат кўтаринкилиги билан якуниладилар ва халқ хўжалиги планларини қисқа муддатларда адо этидилар.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эришган ютуқни қўлга киритишда дала гвардиячилари ҳисобланган «зангори кема» меҳнат-ҳайдовчилари катта ишлар қилдилар. Бунлардан 251 минг тонадан ортиқ «оқ олтин» туқилди. Машинада пахта терим даражаси 63 процентга кўтарилди. Мансумда 500 меҳнат-ҳайдовчи 100 тонна ва ундан ошириб пахта терди. Биз Турсуной Охунова, Бўна районидagi «Октябрь 40 йиллиги» қолхозининг меҳнат-ҳайдовчиси Сервер Усейновларнинг меҳнатини алоҳида қадрлаймиз. Улар 350—310 тонадан пахта тердилар. Бекобод районидagi «Победа» қолхозидан Р. Эшбоев, Урта Чирчиқ районидagi Ангелъе номи қолхоздан Х. Насриддинов, Оққўрғон районидagi Вотиңцев номи қолхоздан К. Қодиров, Ю. Носиров, «Озод» қолхоздан А. Ҳайдаров, Х. Хатамов, Б. Алихонов, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан И. Акбаров, Н. Урунов, Юқори Чирчиқ районидagi «Ўзбекистон» қолхоздан К. Маевлов, Свердлов номи қолхоздан А. Лим ўртоқлар 200—250 тонадан пахта териб, кўнчилиқ хурматига сазовор бўдилар.

Илгир-терим ишларини тўхтовсиз ва муваффақиятли ўтказиш учун эр қизгин кунларда қолхоз ва совхоз далаларида 300 дан ортиқ кўма устаконалар ишлаб турди.

Пахта учун курашда ўроқ ва болга иттифоқи ўзининг қудратини яна бир марта кўрсатди. Қорхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан қолхоз ва совхозларимизга кўрсатилган катта ота-она ёрдами чипит экин, қўзага ишлов бериш ва илгир-терим кунларида ҳамма вақт сезилиб турди. Пойтахтимиз юзидан ортиқ кўма устаконалар хўжаликларга амалий ёрдам бердилар.

Областимизда юқори ҳосил учун курашда элликцентнерчи бригадалар алоҳида намуна кўрсатдилар. Пискент районидagi Тельман номи қолхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳақимжоллов Қодиров бошлиқ бригадаси 120 гектар ернинг ҳар гектаридан 55 центнердан пахта олиб, бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Бекобод районидagi «Победа» қолхозининг ўртоқ К. Эгзабевнинг бошлиқ бригадасида ҳам ҳосилдорлик эллик центнерданга етказилди. Оққўрғон районидagi Э. Алиев, Х. Чаджид, К. Амришоев, У. Юсупов, Қ. Тошқўзаев, Бекобод районидagi А. Худойбердиев, Пискент районидagi К. Алиев, М. Мусев, Урта Чирчиқ районидagi О. Кай, Н. Мирзаев, М. Исломов, Янгийўл районидagi В. Эсеновлов, Р. Исоқов, А. Турғубоев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар ҳар гектар ердан 40—45 цент-

нердан ҳосил йиғиб олиб, пахтачиликни ривожлантириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Меҳнат натижалари қувонч билан якуниладилар ҳозирги тантанали кунларда йилгир-терим палласида фидокорона меҳнат қилган қолхозчилар, совхозларнинг ишчилари, шаҳарликлар, районларнинг меҳнаткашлари, студентлар, ўқувчилар, нуруний отахонлар, онахонлар ва умуман бу умумхалқ ишида фойдаланган барча кишиларга чин қалбимиздан раҳматлар айтмиш ва миннатдорчилигимизни илгир қилимиз.

Биз даладарда фидокорона меҳнат қилган кўнчилиқ килотрамчи чевар теримчилар ишнинг алоҳида қадрлаймиз. Уларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Бекобод районидagi Дзержинский номи қолхоздан О. Охунова, С. Эркаева, Н. Норбўтаева, Ленин номи қолхоздан Х. Жўлиева, Навоий номи қолхоздан Б. Бегимқуллова, Маматкаримова, Х. Эгамбердиева, С. Юсупова, Янгийўл районидagi Киров номи қолхоздан Б. Хўжабекова, Жданов номи қолхоздан Б. Эгамова, Ангелъе номи қолхоздан Л. Тошмелова, Бўна районидagi «Ленин йўли» қолхозидан Х. Ёиолова, М. Осмонова, М. Талова ва бошқа жуда кўп ўртоқлар хирмонга 10 минг килотрам ва ундан ҳам ошириб пахта тўқдилар.

Пахта тозалаш саноати қорхоналарининг ходимлари, қабул пунктлари мутахассислари йилгир-терим кунларида яхши ишладилар. Пахтани ўз вақтида қабул қилиб олиш ишлари кўнчилиқ таъини ташкил этидилар. Келтирилган пахтани ўз вақтида, тўхтовсиз қабул қилиб олиниши йилгир-терим суръатини кўн сабини оширишда катта роль ўйнади. 1972 йил ҳосилини қабул қилиб олишда Оққўрғон, заводалар қўшади Янгийўл, Керовчи қабул пунктлари коллективлари алоҳида маҳорат кўрсатдилар.

Пахтачиликда эришилган муваффақиятларини кўрсатиш билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида қўлга киритилган ютуқларини ҳам айтиб ўтиш керак.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахтачилик билан бир қаторда бошқа соҳаларни ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Қолхоз ва совхозлар янги тайёрлаш юзасидан олтинга социалистик мажбуриятини ошириб бажардилар. Пландаги ташқари 2300 центнер пилла етказиб берилди. Шунингдек, мажбурият ҳисобига 34 минг тонадан кўп луб, 34 минг тоннага яқин сабзавот, минг тонна картошка, 14 минг тонна мева, минг тонна узун, 8360 тонна қўнчтарвузун қўн етказиб бердилар.

Чорвадорлар эришилган муваффақиятлар ҳам қувончлидир. Бутунги шу вақтдаги қараганда 11 минг тонна қўн сут етказиб берилди. Пландаги ташқари 3029 тонна қўн гўшт, 14 миллион дона қўн тухуми, 2400 центнер қўн жуи бир сипранда 2400 килотрамдан сут соғиб олиш тўғрисидаги социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш ютуқларини қўн етказиб берилди. Шу билан бирга улар учун курашдаги пухта тайёргарлик кўрсатдилар. Буларнинг қараганда анча қўн сенаж, силос бостириб қўйилди. Дағал ет-хашақ тайёрлаш таширини бирмунча ошириб бажарилди.

Илгир-терим давом этирлямоқда. Деҳқонлар, меҳнаткорлар 1973 йил мўл ҳосилга ҳам пухта замин тайёрлаб қўйиш, бу соҳада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленуми қарорларини тўла амалга ошириш учун курашмоқдалар. Ҳосилдан бундан даладардаги гузопоялар тезда юлиниб, ер минерал ва маҳаллий ўғит билан тўйдирлиб, чуқур ва сифатли шудгор қилинмоқда.

Область партия ва совет ташкилотлари барча хўжаликларда шудгорлашни қисқа муддатда ўтказиш тадбирларини амалга оширмоқдалар ва бу соҳада район партия, совет ташкилотларидан шудгорлашда ишлаётган меҳнаткорлар учун барча шароитларни яратиб беришни талаб этимоқдалар.

Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари СССРнинг 50 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун Коммунист партия ва Совет ҳукумати томонидан ўз олдларига қўйилган улуғвор вазифаларини шараф билан бажариш учун бундан кейин ҳам фидокорона меҳнат қилдилар ва давлатимизнинг олтин тўйини эр ютуқлар билан кутиб олиш учун курашдилар.



АБАДИЙ, БУЗИЛМАС ДЎСТЛИК

Ленин комсомоли номидаги Москва автомобил заводи 17 ноябрь кун Болгария Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилди.

Ўртоқ Тодор Живков ва Болгария Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари қорхона цехларида бўлиб, ишчилар ва инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашди, жамки машиналар конвейерда қандай тайёрланаётганини кўзатишди.

Автомобиллар синаладиган катта цехда кўп кишилик митинг бўлди. Митинг президиумида КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Лесенко, автомобил саноати министри А. М. Тарасов, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Советининг, КПСС Москва шаҳар комитетининг, СССР ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари болгар дўстлар билан бирга бўлишди.

Митингнинг завод партия комитетининг секретари А. К. Жидков очди. БХР ва Совет Иттифоқи Давлат гимнлари янгради.

Митингда асбобозлик-штампозлик ишлаб чиқаришининг фрезерчиси В. Ф. Карлов, инженер-конструктор Н. Кюева, «Авто-Москва» бирлашмасининг ўш директори В. П. Коломников ўртоқлар сўзга чиқиди.

«Авто-Москва» бирлашмасининг бош директори В. П. Коломников кизгин қарорлар остида ўртоқ Тодор Живковга эсдалик соғва топширди.

Автомобилчилар ўртоқ Тодор Живков нутқини давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Совет-болгар дўстлиги митинг охирида иккала қардош социалистик мамлакатнинг Давлат гимнлари ижро этилди.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

14—16 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг иттифокдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, КПСС Улса, область ва округ комитетлари, шунингдек баъзи шаҳар ва район партия комитетлари умумий бўлимлари мудирларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Кирилленко, КПСС Марказий Комитети секретари И. В. Камингов қатнашдилар.

Партия XXIV съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитети қарорлари асосида партия комитетлари умумий бўлимлари вазифалари тўғрисида

МОСКВАЛИКЛАР ТАШАККУРИ

Бу йил Ўзбекистонда сабзавот, мева, полиз экинларидан мўл ҳосил олинди. Қолхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари бу маҳсулотларни тайёрлаш, шунингдек умумий фондга қўйишга алоҳида эътибор берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номига йилдан телеграммда бундай дейилган:

Москва шаҳар партия комитети КПСС XXIV съездининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажминини янада кўайтириш тўғрисидаги қарорларини бажариб, бу йил мўл ҳосил, шу жумладан, сабзавот, полиз экинларида қўн ташиқур илгир этади.

Республиканинг қишлоқ хўжалик ходимлари, барча меҳнатчилар КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга оширишда ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишда Москва меҳнаткашлари номидан катта муваффақиятлар тилаймиз.

(ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙ ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУЙИЛ 17 НОВАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — бир кунда тайёрланган пахта, иккинчи стун — масум бошдан бери, учинчи стун — шу жумлада бир кунда машинада терилгани, тўртинчи стун — масум бошдан бери

ОҚҚЎРҒОН	0,46	119,18	—	125,09
ПИСКЕНТ	0,28	110,76	0,04	105,34
БЕКОВД	0,69	110,61	—	105,11
БҲКА	0,41	106,65	—	100,68
ЯНГИЙЎЛ	0,66	105,31	0,17	111,57
УРТА ЧИРЧИҚ	0,11	104,42	—	103,52
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	0,07	103,60	—	101,70
ОБЛАСТЬ БУНИЧА	0,43	109,59	0,02	110,14



ПАХТА Илгир-теримининг қизгин кунларида Оққўрғон районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз далаларида «зангори кема»лар юқори унум билан ишлади.

ШУДГОР ҚИЗҒИН

★ ЯНГИЙУЛ районидаги «Ленин» колхозини пахтакорлари даладаги ҳосилни йиғиб-териб олиш билан бир қаторда кузги шудгорлашни уюшқонлик

билан бошлаб юбордилар. Далаларда 13 та ҳайдов трактори тинимсиз ишламоқда. Илгор тракторчи Раҳмат Нишонбоев ҳар кун 11—12 гектар ери

сифатли шудгор қилмоқда. Яқинда колхозга шудгорни тенгириш комиссияси келиб, механизаторларнинг ишидан мамнун бўдилар. Суратларда: (чапда) Тошкент кишлоқ хўжалиги институтининг катта ўқитувчиси Р. Н. Бекиров шу нис-

титут туپроқшунослик факультетининг доценти Х. М. Мираҳмедов, участка бош агрономи Э. Мирзаев, колхоз раиси Ю. Толинов ўртоқлар шудгор сифатини кўздан ўтказмоқдалар. (Ўнгда) — мохир тракторчи Р. Нишонбоев.

Ж. Тўраев фотолари.



ВЕТЕРАНЛАРГА ҒАМХУРЛИК

Киров районидagi қўшни маҳаллаларнинг пенсионерлари шу кун Тошкентдаги «Компрессор» заводининг меҳмон бўлишди. Ҳаваскор артистлар ишчилар клубида уларга концерт кўйиб беришди. Завод раҳбарлари эса корхонанинг ҳаёти, планлари ва эҳтиёжлари ҳақида гапирди.

Клубдаги бу учрашувни пенсия масалалари билан шуғулланган учун яқинда «Компрессор» заводида тузилган жамоатчилик комиссияси ташкил этди. Комиссия раҳбарлари инженер В. И. Шушнов ва кадрлар бўлимининг бошлиғи М. Ф. Назаренко пенсионерлар ва инваллидларни ишга жойлаштиришга асосий эътибор берди. Комиссия аъзолари ўзининг соғлиғи аҳватидан иқтисодий-фойдаланушда қатнашишга қодир бўлган ветеранларни қидириб топиб, уларга муайян ишларни бажариб иш ҳақи олиш йўли билан ўзлари олаётган давлат нафақаларига қўшимча қўшишга имкон берадиган амалдаги қонуналарни тушунтириб бермоқдалар, насб танлашда уларга ёрдамлашмоқдалар. Бу тажриба тўғрисида махсус брошюра ҳам нашр этилди.

Бу йўлда фақат «Компрессор» заводидagi биринчи қадмалар қўйилди. Иккинчи нафар пенсионер ва инвалид тулкисиз иш ҳафтаида меҳнат қилиш ҳуқуқи билан республика корхоналарида ишга жойлаштириб қўйилди. Тошкентдаги 2-тикув фабрикасида ва пойтахтнинг «Сервис» фирмасида ишлашнинг ҳоҳлаганларга ишга уйга бериб бажарилиш усули қўлланилмоқда.

(ЎЗАТ).

«ТОШКЕНТ—ОЛМАЗОР»

Республикамиз пойтахтидан Янгийўлга электр поезди қатнай бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шу кунларда бу масофа яна бир неча километрга узайди. Эндilikда электр поезди Олмазорга қатнамоқда. Пўловчилар Тошкентдан Олмазорга 55 минутда етиб боришади.

Қўлай, арзон бу транспорт воситасининг йўли бундан бундан ҳам тобора узайиб бораверади. 1973 йилда электр поезди «Тошкент—Олмазор» йўлида қатнай бошлади.

ИЖРОКОМ РАИСИ ХУЗУРИДА

Райоником раисини Тошкентга кетган дейишди. Ўринбосарининг гапига қараганда у кечкурун қайтиши керак. Соат унга буюро чақирилган. Масала битта: терим суръатини кучайтириш. Эрталаб соат олтида Соинназаров хонасида бўлиди. Унинг довоклари сивинган, кўзларида ҳорғинлик аломати. У телефонда кимгадир гапирди. Кайфияти йўқроқ, гапининг мазмунидан ёрдамга келган шоферлардан икитаси кечаси қочибди. Транспорт сувдай зарур бўлиб турган шундай пайтда номаскуд иш қилганларнинг танбеҳини бериш керак, дейди у. Кейин эитининг кўнжидан бўлганлик катта блокнотини олиб, машиналар номерини маълум қилди.

Хал мен суҳбатлашиб, ултурганим ҳам йўқ эдики, эшикдан икки киши кириб келди. Ахад Соинназарович уларни табассум билан қарши олишга қарамай кишилардан бири захархандалик қилди.

— Пахта-ку, пахта-я, мелиорация ишлари ҳам иккинчи даражада эмас, тоқоридан маълумот сўрашибди, нима қилиш керак, бутун кучимиз далада, — дейди ҳалиги киши.

Ижроком раис унинг гапларини оғир олмади. Ҳаммаси кераклигини у ҳам тушунади. Шунинг учун мелиораторларни тинчигди. Яна икки кундан кейин бу соҳада актив иш бошланганини маълум қилди.

Эндигина суҳбатимиз қизиганда телефон жияринглади. Ижроком раис трубкани олди-ю, чехрасига табассум югурди.

ПАХТАЗОР ЛАВҲАЛАРИ

(ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН)

Билан ўзим айланиб юриб аниқлаганман.

Раҳбар ходимлардан шахсий ҳаётини сўраш биров оғир бўлади. Мен ҳам ботинолмадим. Аммо, Ахад ана столи устида турган сўрич, сўт солинган ишча мени ҳайратлантирди. Бунинг сезган ижроком раис мийинида қулди ва «иш орасида анағаллик ҳам қиламиз, келиннингиз далада» деди у.

НАРХАНУМ ХИКОЯЛАРИ

Бугун меҳмонхона навбатчи Нарханумнинг ўз уйида учрашдик.

томчи ташлаб, кейин шаррос куйиб берди. Ёмғир селга айланди. Ҳамза номли колхознинг 440 гектар майдонида чигитларни бодратиб ташлади. Ўша кун иккитрунқо область марказидан комиссия келиб, колхозчи-ларга ўз маслаҳатини берди. Уч кун давомида хўжаликда чигит қайта экилди. Мана ҳозир ўша ердан ҳамзаликлар 33 центнердан ҳосил қўтаришди. Яна пахта терим давом этипти, дейди Нарханум.

Менинг назаримда Нарханум меҳмонхона навбатчиси эмас, балки районнинг пахта бўйича жойли, энциклопедиясига ўхшарди. Қайси хўжаликда ҳам пахта борлигини билиб қолди.

МАЪЛУМОТЛАР

ОСИ

Дунё

СОВЕТ—КУБА БИТИМИ

ГАВАНА. 15 ноябрь. (ТАСС). Куба пойтахтида СССР Министрлар Совети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети (Госкомиздат) билан Куба китоб институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Битим яқин давр ичида ҳамкорлик қилиш программасини ўз ичига олади. СССР турли адабиёт нашр этишда Кубага ёрдам беради. В. И. Ленин сайланма асарлари биргаликда Кубада ўн томда ва В. В. Маяковский асарларининг антологияси, Совет Иттифоқида эса кубалик муаллифларнинг китоблари нашр этилади.

ЧИЛИ-КУБА КОМПАТИЯЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

ГАВАНА. 15 ноябрь. (ТАСС). Чили Коммунистик партиясининг бош секретари Луис Корваланининг Кубага қилган визити тугади. У мамлакатда бўлган вақтида Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Революцион ҳукумат бош министри Фидель Кастро ва Кубанинг бошқа партия раҳбарлари билан учрашди ҳамда улар билан Куба ва Чили Коммунистик партияларининг ўзаро алоқаларига доир масалалар юзасидан дўстона суҳбатлар ўтказди.

ВЬЕТНАМ БИТИМИ

РИМ. 15 ноябрь. Марказий Италиянинг Пьемонт шаҳри Вьетнам халқи билан биргаликда бағишланган оммавий иш бўлиб ўтди. Намойишда меҳнатқашлар, ишчи ва студент ёшлар, демократик партиялар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок қилди. Намойиш митинг ўтказиш билан тугалланди. Митинг қатнашчилари Ҳинди-Хитойда урушнинг дарҳол тўхтатилишини талаб қилди. Улар Италия билан Вьетнамнинг ҳамкорлигини кучайтиришни талаб қилди.



Сурия Араб Республикаси ташаббуси билан маълум чиқариш ойлари ўтказилари маҳсулот ишлаб чиқарилиб, яхши натижаларга эришилди. Комбинатини Шибли.

Спортив

КИЕВЛИКЛАР МЕДАЛГА ДАЪВОГАР


Киев динамичлари мамлакат чемпионатида ўзининг навбатдаги учрашувида Ростов армиячилари билан ўтказди. Кескин ва шиддатли ўтган бу матч Киев динамичлари ғалабаси билан тугади. Ҳисоб 3:2. Бу муҳим ғалабадан кейин украин футболчилари турнир жадалининг учинчи поғонасига кўтарилдилар. Улар мавсумнинг сўғити ўйинини бу йилги чемпион Ворошиловграднинг «Заря» командаси билан ўтказди. Агар бу матчда динамичлар ғолиб келишса, иккинчи ўринга кўтарилишди ва кумуш медалга эга бўлишди. Агар муваффақиятсизга учрайдиган бўлсалар, учинчи ўринда қолиб, бронза медални оладилар. Шундай қилиб, бу йилги фахрли учта мукофотли ўрин эгалари маълум бўлди. «Заря» олтин медалга эга бўлди. Фақат кумуш медалга эга бўлган кингма тегини энг сўғити ўйинда ҳал бўлади.

Ленинграднинг «Зенит» футболчилари Британия оролларида тўртта халқаро уртқилик учрашувида ўтказди. Ленинградликлар «Саутгэнд юнайтед» ва «Кристал Пелас» командалари билан бўлган матчда 1:1 ҳисобида дураниб қилиб, «Сундон Таун»дан 2:4 ҳисобида, «Мортону»дан 2:3 ҳисобида енгилдилар.

ДЕНВЕР РАД ЭТДИ

Американинг Денвер шаҳри 1976 йилда қишки олимпиада ўйинларини ўз шаҳрида ўтказишни рад этди. Халқаро олимпиада комитети штаб-квартираси ана шу ҳақда маълум қилди. Вироқ, Америка Қўшма Штатлари олимпиада комитети XII қишки олимпиада ўйинларини бошқа икки шаҳар — Лейк-Плесида ва Скво-Вэллида ўтказишни таклиф этганини ҳам айтиб ўтиш керак. Бу икки шаҳарда 1932 ва 1960 йилларда олимпиада ўйинлари бўлган эди.

Халқаро олимпиада комитети ўз шаҳарларида олимпиада ўйинларини ўтказишга талабдор бўлганлар келаси йил 15 январгача ариза беришлари мумкин. 1976 й. — олимпиада



Олтин дйбимнинг чиройи яна Ажиб жозига бурканди бугун. Куз файзи элимда айлар тантана, Севинчу шодликдан чехралар гулгун. Шахрим кўчаси ҳам ўзгача эрур.

Барглардан тўшалган олтин поёндоз. Термуган кўзаларга ошнодур сурур. Барг каби диллардан тўкилади роз. Абалай фотозюди.

КОЛХОЗДА КОНЦЕРТ

Пахта йигим-терими жадал давом этаётган ҳозирги йулларда колхозчиларга маданий хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, Оққўрғон районининг колхоз ва совхозларида бутун терим мавсумида ҳавасноз ва етук санъат усталари концертлар қўйиб беришди. Яқинда шундай ҳордиқ нечаларининг бири «Партия XXII съезди» колхоз клубида бўлиб ўтди. Шерали Жураев бошчилигидаги санъаткор

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

куй ва қўшиқлари билан мамнун этдилар. Дилбар Абдуллаева, Хосият Усмонова каби санъаткорларнинг чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди. Программани олиб бораган Гулом Токи-Абдуловнинг суҳбати ҳам санъат мухлисларини бе-ниҳол хурсанд қилди.

Х. АБДУЛОВ.

ЯНГИ БОҒЧА

Оризоникдаё райондаги янги боғчада 280 ўғил.

ПЛАНЕТАНИНГ ЭНГ КЕКСА КИШИСИ

Озарбайжоннинг тоғли жойида истиқомат қилувчи 167 яшар Шерали Муслимов ҳозир ер юзиданги энг кекса кишидир. Доғистон геронтологлари ва геронтологлари илмий-медицина жамиятининг раиси Р. Аликишиев ТАСС муҳрига шу нақли маълум қилди. Олим бобаклон яшаётган денгиз юзидан икки метр чамаси баландликдаги Барзаву қишлоғига бориб келди.

Узоқ умр кечирish проблемаларига бағишланган икки юзта илмий асар автор Аликишиев

текшириб чиққан ва юз йил, ҳатто ундан ортиқ умр кўраётган кишилар орасида Шерали Муслимов уч юзичи киши бўлди.

Аликишиев Муслимов яқинда зотилжам бўлиб тузалганлигига қарамай, гоят тетик, дейди.

Планетанинг бобаклонли тийрак, ҳаракатчан, атроф тоғларга сайрини ҳали ҳам қанда қилмапти.

Узоқ умр кечирувчи шон медалига картотекасига янги текшириш маълумотлари ёзиб қў-

йилди: «Юраги ва ўпкаси соғлом, томири минутига бир мо-ромда 76 марта уради, қон тоза». Муслимовнинг шох томири босими яқинда Бокудаги медицина институтини битириб, район санитария врач бўлиб ишлаётган 25 яшар пачавараси Элхонликига ўхшаш бўлиб қикди.

Олим Муслимовнинг ҳозир-гача ҳам тиниб-тинчимас ме-наткаш эканлигини кўрган. Бо-бо ҳаётга аўр қизиқини билан қарайди: ер юзидан бўлаётган ноқеаларни қузатиб туради, те-левизион программаларни то-

моша қилади, радио тинглайди, музикани севади.

Рамзон Аликишиев бобо-нинг 106 яшар рафиқаси — Хотун хонимнинг саломатлиги-ни ҳам қониқарли деб тоғди.

Ҳар юз минг кишига юз яшар ва ундан ортиқ ёшдаги 84 киши тўғри келаётган Озарбайжон жаҳонда узоқ умр кечирувчилар сонини жиҳатидан олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

А. ГОЛЬДЕНБЕРГ.
ТАСС мухбири.
БОКУ.

ЎЗБЕК АДАБИЁТЛАРИ МОСКВА КЎРГАЗМАСИДА

Москвадаги Давлат адабиёт музейида «Кўп миллатли совет адабиёти» номли кўргазма ташкил қилинди. Кўргазма Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллигига бағишланган. Залга китоб ва журналлар, қўлёзмалар ва бошқа ҳужжатли материаллар қўйилган.

Кўргазманинг бир бўлими Совет Ўзбекистонининг адабиёти тўғрисида ҳикоя қилади. Шунингдек, ўзбек ёзувчиларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам қўллаб материаллар билан тақимини мумкин. Бу ерда Ойбек, Фахриддин Ғулом, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор, Қомиля Яшин, Асқад Мухтор, Мирте-

мир, Мирмуҳсин ва бошқа ёзувчи ҳамда шоирлар, драматургларнинг асарлари намо-йиш қилинмоқда.

Кўргазмада нашр маҳсулотлари катта ўрин эгаллаган. Стендларда биринчи журналлар, биринчи китоблар, муал-лифларнинг дастхатлари ёзилган бадиий адабиётлар, мил-лий нашр ва таржималар намо-йиш этилмоқда.

Экспонатлар Советлар Итти-фоқи адабиётларининг бекиёс юксак даражага кўтарилганли-ги, қардош халқлар адабиёти ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳу-сусида ҳикоя қилади.

Ю. ИВАНОВ,
Москва шаҳри.

Реклама

ВА Эълонлар

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

18 НОЯБРДА

СССРнинг 50 йиллигига бағишланади.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

РАШИД ХАМРОЕВ

„ТОНГ ОЛДИДАН“

(«Перед зарей»).

3 пардали опера.
Либретто автор —

ИЗЗАТ СУЛТОН

Постановка режиссёр — Ўзбекистон Ленин комсомол муко-фотининг лауреати М. САДУЛЛАЕВ.

Диржёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти Ф. ШАМСУДИНОВ.

Рассом — Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати Т. ШОРАХИМОВ.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист И. ЮСУПОВ.

Хормейстерлар — С. ШОДМОНОВ, М. ЯНДРИНСКИЙ.

Диржёр ассистенти — Х. ШАМСУДИНОВ.



БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.15 — Кўрсатувлар программа-си, 9.20 — Янгиликлар, 9.30 — «Биринчи учрашувлар». Цирк программаси.

11.00 — дан Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.20 — Кўрсатувлар програм-маси, 17.35 — «Бойчапан» про-граммаси (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.05 — «Звёздоч-ка» (киноқўрсатув), 18.45 — СССР 50 йиллиги олдидан, «Биз-нинг интервью», 19.00 — Муҳид-дин Қорн: Ёнубов номли Ўзбек

авлат филармонияси хор капел-ласининг концерти, 19.30 — «Ах-борот» информацион программа-си.

Ўзбек тилида: 19.45 — «Ешлин» студияси кўрсатади. «Истинбод эгалари» (телекўрсатув), 20.30 — 7-минут музика, 20.40 — «Ахбо-рот» информацион программаси, 20.55 — «Пахта усталари минба-ри», 21.10 — Ўзбекистон телеви-зенини ва радио солистларининг концерти, 22.30 — «Қишлоқ инзу-вар» (бадиий фильм, Ўзбек ти-лида).

ИКИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎЗБЕК ПРОГРАММАСИ

СИРТДАН ЎЗБЕТТАН

СТУДЕНТЛАР УЧУН

Ўзбек тилида: 10.00 — Олий ма-тематика, 11.00 — Инглиз тили-дан 7-машғул, 11.30 — Ота-она-лар учун консултация, 12.00 — Телевизион фильм, 12.20 — Ота-оналар учун консултация (рус тилида), 13.00 — Чизма геомет-рия.

17.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.00 — «Ешлин» студияси кўр-сатади. «Мардик — мангули» (Ўзбек тилида).

22.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.15 дан — Душанба кўрсата-ди.

19 НОЯБРДА

РАКЕТА ҚЎШИНЛАРИ ВА

Артиллерия кўни

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.25 — Кўрсатувлар программаси, 9.30 — Янгиликлар, 9.40 — «Ич-кинито» программаси (рус тили-да), 10.10 — Ёзувчилар — бола-ларга. САМИ АБДУҚАҲҲОР (Ўзбек тилида).

11.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.50 — Кўрсатувлар програм-маси, 16.55 — Болалар учун. «Санъат гунчалари» (концерт Ўз-бек тилида).

Рус тилида: 17.30 — Бугун ра-кета қўшинлари ва артиллерия нуни, 18.00 — Концерт, 18.35 — «Ахборот» информацион програм-маси.

Ўзбек тилида: 18.50 — ЭТИ-БОР ОХУНОВА шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар, 19.45 — «Ахборот» информацион програм-маси, 20.00 — Республика об-ластларининг СССР 50 йиллигига бағишланган телевизион фести-вали. ЭКРАНДА — СИРДАЕ ОБ-ЛАСТИ.

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ИКИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎЗБЕК ПРОГРАММАСИ

9.30 — Ўқитувчилар учун кон-султация (Ўзбек тилида).

Сиртдан ўқитган студентлар учун

10.00 — Немис тилидан 8-маш-ғул, 10.30 — Физика (Ўзбек ти-лида).

лида), 11.30 — Француз тилидан 8-дурс, 12.00 — Назарий механи-ка (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 13.00 — Унвур жа-рабанин илмий ташкил этиш, 13.30 Олий математика.

16.50 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.00 — «Ноз-неъмат бунёдори» программаси, 22.30 — «Насриддин Хўжа» (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — Фрунзе кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ-ДА — 18/Х/ да «Тонг олдида», 19/Х/ да «Этик кийган мушук (ку-дуз)», Травната (кечкурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/Х/ да «Имон, 19/Х/ да Ўлчи ю-дуз (кучдуз)», Самандар (кеччу-рун).

МУҚИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/Х/ да Хотинининг эри, 19/Х/ да Ҳалима, 20/Х/ да Менинг жан-натин.

КИНО

19 лар номияоти — САНЪАТ САРОНИ (кеч соат 6.15 минутда), «МОСКВА» (кучдуз ва кечкурун).

Ижорси батальони — «ЎЗБЕ-КИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИ-НИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кучдуз ва кечкурун).

Тилла зират — НАВОЙИ номли (кучдуз ва кечкурун).

Қолчон — ҲАМЗА номли (ку-дуз ва кечкурун).

Садоқат — «КҶҶА» (кучдуз ва кечкурун).

Менинг исмини масҳарабоз — «СПУТНИК» (кеч соат 7 ва 8да).

Авл ва барселлерлар — «ЎЗБЕ-КИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ЧАНКА», «СПУТНИК», САНЪАТ САРОНИ, «ВОСТОК» (кучдуз ва кечкурун).

Эрикан ва аёл (куфт соатларда), Мессе фермасининг сири (тоқ со-атларда) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИ-ЛЛИГИ».

Ҳар нуни қангома (куфт соат-ларда), Бу тельба дунё (кучдуз со-ат 12, 4, 5, кеч 7 ва 8 да) — «ДРУЖБА».

Гражданилар, колхозлар, сов-хозлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар

ДИҚҚАТИГА

Тошкент область матлубот кооперациясининг тайёрлов конторалари Оқ ва Кулранг Великан зотли насалдор куён-ларин

СОТА БОШЛАДИЛАР.

Қўйлар преискурент нарх-ларига бинаан сотилади.

Муронаат учун адрес: Оҳан-гарон шаҳри, Оҳангарон РайПОсининг тайёрлов конто-раси; Қўбрай посёлкаси, Ор-жоннидде РайПОсининг тай-ёрлов контораси; Бўна посёл-каси, Бўна РайПОсининг тай-ёрлов контораси.

Ўзбекистон Компартияси Мар-зия Комитети нашриятининг бос-махонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697.

Р. 02730. Б. 1693.